



ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ТИЗИМИ МАХМУДОВА АЗИЗА НУГМАНОВНА

Самарқанд давлат медицина институти

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси мудири

Аннотация: Ҳуқуқиий онг бу жамиятда кишиларнинг ҳуқуқ түғрисидаги қарашлариридир, чунки ҳуқуқиий нормалар жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида кишилар ўртасида турли ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим рол ўйнайди. Ҳуқуқ нормалари билан ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқиий онг яъни кишиларнинг ҳуқуқни билишлари, ҳуқуқ нормаларини бажаришлари катта аҳамиятга эгадир, мазкур мақолада муаллиф ҳуқуқиий онгсиз ҳуқуқиий маданиятга эришиб бўлмайди деб изохлаб берган.

Таянч иборалар: шахс, фуқаролик жамият, ҳуқуқиий онг, ҳуқуқиий маданият, ҳуқуқиий ижтимоийлашув.

Шахс ҳуқуқиий онги ва ҳуқуқиий маданиятини шаклланишида ҳуқуқиий ижтимоийлашув ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шахс ўзининг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий муносабатлар тизимидағи ролини англаб етиши ва тўғри баҳолай олиши унинг ижтимоий, ҳуқуқиий муносабатлар онтологияси ва ўзига хос қонуниятлари ҳақида билим ва тасаввурга эга эканлиги билан паралел равишда шаклланиб, ривожланиб боради. Шахс ҳуқуқиий ижтимоийлашуви умумий ижтимоийлашув жараёнинг таркибий элементи сифатида намоён бўлади. Яъни жамиятда ўрнатилган қоидалар, меъёрлар, қадриятлар тизимини ўзлаштириб бориш жараёнида шахснинг ҳуқуқиий ижтимоийлашуви ҳам содир бўлади. У индивиднинг шахс сифатида шаклланиб боришида муҳим аҳамият касб этиш билан биргалиқда, шахснинг фуқаролик позициясини, жамиятда содир бўлаётган воеа ҳодисаларга нисбатан

муносабатини шаклланишида ҳам ўзига хос ўрин тутади.

Жамиятда ҳуқуқиий онг ва ҳуқуқиий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқиий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқиий онги ва ҳуқуқиий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқиий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда.

Хусусан, ҳуқуқиий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқиий



таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган.

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир қўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади.

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самараисиз олиб борилаётганлигини қўрсатади.

Онг – объектив воқеликни инъикос эттиришнинг факат инсонгагина ҳос бўлган олий шакли, инсоннинг дунёга ва ўз-ўзига фаол муносабати усули. Онг – воқеликнинг инсон онгидага мақсадга мувофиқ, фаол, мазмунли инъикос этишидир. Бундай муносабат усули кишиларнинг бутун ижтимоий-тарихий тараққиёт мобайнида эгаллаб келган тарихий тажрибаси мобайнида такомиллашиб келган. Онг – инсон мияси фаолиятининг маҳсули. Онг – инсоннинг руҳий ҳолати. Инсон мияси инсониятнинг бутун тарихий тараққиёти

мобайнида такомиллашиб борган. Инсон тирикчилигини таъминлаш учун меҳнат қилишга, онгли фаолият юритишга мажбур бўлган. Демакки, онг ва тафаккур инсоннинг ижтимоийлашувининг асосий сабабларидан биридир. Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг даражасини белгилаб берувчи энг муҳим омиллардан бири бу ҳуқуқий онгдир. Ҳуқуқий онг – ижтимоий онг шаклларидан бири бўлиб, ўзида ҳуқуқий қарашлар, назариялар, ғоялар, тасаввурларнинг яхлит тизимини ифодалайди. Кишиларнинг мавжуд борлиқни қабул қилиш ва англашининг турли шакллари мавжуд. Бу ижтимоий онгдир. Ижтимоий онг шаклларидан бири – ҳуқуқий онгдир. Ҳуқуқий онг – кишилар томонидан ҳуқуқий ҳодисаларнинг субъектив қабул қилинишидир. Ушбу ҳодиса кишиларнинг қонунчилик ва ҳуқуқий тизим ҳақидаги билим ва тасаввурларининг умумий йиғиндисидан ташкил топади. Шахс ҳуқуқий тафаккури замонавий жамиятда ҳуқуқ нормаларининг аҳамиятини объектив тўғри баҳолай олиш қобилиятини ҳам ўз ичига олади. “Ҳуқуқий онг - ижтимоий онг шакли, жамият аъзоларининг мавжуд ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқни тушуниши, ҳуқуқ-тартибот ҳақидаги тасавvuрида ўз аксини топади. Ҳуқуқии онг нафакат амалдаги ҳуқуқ, балки унинг тарихи, шунингдек бошқа жамиятлардаги воқеликларни билишни ҳам ўз ичига олади”. Алоҳида шахс, гурух ва жамиятнинг ҳуқуқии онги ажратиб кўрсатилади. Ҳуқуқии онг ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий психологиядан ташкил топган. Ҳуқуқий мафкура — ҳар хил ҳуқуқий ҳодисалар ҳақидаги нуқтаи



назар, тушунча, гоя ва қараашларнинг илмий умумлаштирилган тизимидан иборат. Ҳуқуқии онгнинг ҳуқуқий мафкура қисмида аксини топган ҳуқуқий ҳодисалар ҳуқуққа бағишлиланган махсус назарий изланишларда ўз ривожини топиб, илмий даражада англаб етилади. Бундай илмий асарларнинг мазмуни одамлар маънавий мулкига айланиб, уларнинг онгида аниқ ҳуқуқий билимларни, мулоҳазаларни, эътиқод ва кайфиятни олиб киради. Ҳуқуқий мафкура — шахснинг ҳуқуқий онгини илмий асосда шакллантира бориб, ҳуқуққа, одамнинг ҳуқуққа бўлган муносабатига ҳал қилувчи таъсир қиласди. Ҳуқуқий психология — ҳуқуқий ҳодисаларни ҳиссиёт билан англашдир. Одам ижтимоий ҳодисаларни, жумладан, ҳуқуқий муносабатларни нафақат ақл билан, балки сезги билан ҳам тушуниб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармони кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий саводхонлик даражаси юксалишида амалий аҳамият касб этади. Ушбу Фармонда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўскинлик қилувчи қуидаги муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинаётганлиги санаб ўтилди. Жумладан, “ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти.

Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган;

- ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади;

- аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини кўрсатади;

- ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онги сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам конун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда”. Сўнгти йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг



хуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда. Хусусан, хуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, хуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган”.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлини қатъяят билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Ёшларга оид давлат сиёсатини янада такомиллаштириш тўғрисидаги ЎРҚ. Тошкент. 2016.
3. Махмудова А. Н. и др. Медицина Узбекистана-достижения и перспективы развития сферы //Достижения науки и образования. – 2020. – №. 3 (57).
4. Махмудова А. Н. и др. Роль молодого поколения в формировании современного гражданского общества //Достижения науки и образования. – 2020. – №. 3 (57).
5. Nugmanovna M. A. The role of social control in the legal socialization of the individual //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – T. 10. – №. 5. – C. 712-721.
6. Makhdumova A. N. Legal socialization problems of personality in modern civilian society //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – T. 1. – №. 3. – C. 146-151.
7. Nugmanovna M. A. Factors and means of the content of legal socialization of the individual in modern civil society Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems
8. Джуракулов X. А. Роль экологического правового сознания в развитии международных эколого-политических отношений //Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2017. – №. 7-1. – С. 23-26.
9. Джуракулов X. А. Необходимость трансформации экологических правовых знаний при формировании правового сознания молодежи //перспективы развития науки в современном мире. – 2019. – с. 140-146.
10. Djurakulov H. Pedagogic-didactic tasks of forming ecological legal consciousness of young generation //Modern jurisprudence: legal thought and enforcement practice. – 2017. – С. 4-8.
11. Djurakulov H. A. Необходимость согласования социальных и политических методов и средств в формировании экологического правосознания //theoretical & applied science. – 2020. – №. 1. – с. 262-265.
12. Suyunova K.B. // Governmental support of innovation in the sphere of tourism // INNOVATIONS IN ECONOMY №4 (2020), 79 p.
13. Мажидов Ш. Ф. К ВОПРОСУ ОБ ЭТНОКУЛЬТУРНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ (НА ПРИМЕРЕ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ) //Власть в логике и риторике межнациональных и межконфессиональных отношений. – 2017. – С. 78-81.
14. Мажидов Ш. Ф., Сайдова X. Реформы в сфере образования и личность преподавателя //Образование через всю



жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2007. – Т. 5.

15. Мажидов Ш. РАЗВИТИЕ ЭТНОКУЛЬТУРНЫХ ПРОЦЕССОВ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ЦЕНТРАЛЬНОЙ ЕВРОПЕ: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ //Общество и этнополитика. – 2015. – С. 352-356.

16. Sabirovna S. G. Innovative thinking and heuristics //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 4. – С. 568-574.

17. Sultanova G. Metodology and way of thinking in postnonclassical phylosophy (epistemological analysis) //Міжнародний науковий журнал. – 2016. – №. 6 (3). – С. 94-96.

18. Sultanova G. METODOLOGY AND WAY OF THINKING IN POSTNONCLASSICAL PHYLOSOPHY (EPISTEMOLOGICAL ANALYSIS) КОНЦЕПТУЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПОСТНЕКЛАССИЧЕСКОГО СТИЛЯ НАУЧНОГО МЫШЛЕНИЯ //В журнале опубликованы научные статьи по актуальным проблемам современной науки. Материалы публикуются на языке оригинала в авторской редакции.

Редакция не всегда разделяет мнения и взгляды авторов. Ответственность за достоверность фактов, имен, географических названий, цитат, цифр и других сведений несут авторы публикаций. При использовании научных идей и материалов этого сборника, ссылки на авторов и издания являются обязательными. – 2016. – С. 94.

19. Махмудова А. Н. ПРАВОВАЯ СОЙИАЛИЗАЁИЯ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ В ПРАВОВОМ ГОСУДАРСТВЕ //ДИСТАНЦИОННЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ И ДОСТИЖЕНИЯ НАУКИ. – 2020. – С. 97.

20. Махмудова А. Н., Ахмеджанова Д. М. ВОПРОСЫ ВОСПИТАНИЯ ГАРМОНИЧНО РАЗВИТОЙ МОЛОДЕЖИ В ВОЗЗРЕНИЯХ ДЖАДИДОВ И СОВРЕМЕННОСТЬ //Главный редактор. – 2017. – С. 90.

21. Nugmanovna M. A., Kamariddinovna K. A. MODERN BIOTECHNICAL PROBLEMS OF MEDICINE AND THEIR SOLUTIONS //Archive of Conferences. – 2021. – Т. 13. – №. 1. – С. 169-173.

22. Salizhonovna S. Y., Ziyodullaevna M. M. ISSUES OF SOCIAL JUSTICE AND PUNISHMENT IN TEMUR'S STRUCTURES //Archive of Conferences. – 2021. – Т. 13. – №. 1. – С. 165-168.